Гос. книжная палата УзССР
кн. палата
10 НОЯ 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 249 (19.025). ● Якшанба, 28 октябрь 1984 йил ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ «МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ФОНДИНИ МУТТАСИЛ ОШИРИБ БОРИШ МАҚСАДИДА ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ, МЕЛИОРАЦИЯ ҚИЛИНГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ ПРОГРАММАСИ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Қарорда қайд этиладики, партия ва ҳукумат мамлакатда ерларни мелиорациялашни кенг кўламда авж олдириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш натижасида суғориладиган ва захи қочирилган ерларни фойдаланишга топшириш соҳасида катта ишлар бажарилди, бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда ноқулай табиий иқлим шароитларининг деҳқончиликка таъсирини сусайтиришнинг ишончли омилидир. Поволжьеда, Шимолий Кавказда, Украина жанубида ва Молдавияда катта-катта суғориладиган деҳқончилик районлари вужудга келтирилди. Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва Қозоғистонда катта ҳажмлардаги мелиорация ишлари ўтказилмоқда. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, Полесьеда, Болтиқ бўйи республикаларида ва Узоқ Шарқда захкаш ерларнинг захини қочириш ишлари кенг жабҳада амалга оширилмоқда. Суғориладиган ва захи қочирилган экинзорларнинг умумий майдони 33 миллион гектарга етди.

Мелиорация қилинган экинзорлардан олинаётган деҳқончилик маҳсулотининг улуши анча ошди. Пахта ва шолининг ҳаммаси, сабзавотнинг учдан икки қисми, мева ва узумнинг ярмига яқини, дағал ва ширали озуқанинг тўртдан бир қисми ана шундай ерларда етиштирилмоқда. Деҳқончиликнинг мелиорация қилинган ерлардан олинаётган маҳсулоти унинг жамоат секторидаги жами ҳажмида 1965 йилдаги 20 процентдан 1983 йилда 34 процентгача етди.

Шу билан бирга қарорда қайд этиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва барқарор ҳосил олиш учун суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерларнинг катта имкониятларидан ҳали тўла даражада фойдаланилмаяпти, ерларни мелиорациялашга сарфланаётган капитал маблағлар ва моддий-техника ресурслари эса зарур самарани бермаяпти.

Бир қанча хўжаликларда мелиорация қилинган ерлардаги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ниҳоятда пастлигича қолмоқда. Шу ерлардаги экинларга минерал ўғитлар етарлича ҳажмда солинмаяпти. Қишлоқ хўжалик экинларининг тегишли навлари йўқ. Суғориладиган ва захи қочирилган катта-катта ер майдонларига эга бўлган кўпгина хўжаликлар зарур қишлоқ хўжалик ва мелиорация техникаси билан тўла даражада таъминланмаган. Яхшиланган ерларда экин майдонлари структураси такомиллаштиришни талаб этади.

Мелиорация қурилишида капитал маблағлар сочиб юборилишига йўл қўйилмоқда, қурилиш норматив муддатларига амал қилинмаяпти, мелиорация системаларини техникавий жиҳатдан такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳажми секинлик билан ошмоқда, янги мелиорация қилинган ерларни ўзлаштираётган хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик жиҳатидан ташкил этилиши орқада қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг таъкидлайдиларки, Озиқ-овқат программасини изчиллик билан амалга ошириш ерларни мелиорациялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва деҳқончиликнинг барқарорлигини ошириш учун унинг имкониятларидан яхшироқ фойдаланишни тақозо этади. Орттирилган тажриба, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш базаси, мелиораторлар барқарор коллективларининг мавжудлиги шу тармоқни ривожлантириш соҳасидаги яна ҳам мураккаброқ ва кенг кўламдаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети мелиорацияни янада ривожлантиришни, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни мамлакат озиқ-овқат фондини кўпайтиришда ғоят муҳим умумдавлат вазифаси деб ҳисоблайдилар.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан самарали фойдаланишни, яхшиланган экинзорларнинг янги катта массивларини вужудга келтириш, маданий-техникавий ишларни бажариш, мелиорация қилинган ерларни ўзлаштирувчи хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ва социал базасини яратиш ҳисобига мелиорациянинг янада комплекс ривожлантирилишини;

Ўн иккинчи беш йилликда колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерларда деҳқончилик маҳсулотларининг асосий турлари етиштирилишини кўпайтиришни, 1990 йилда ана шу ерларда дон етиштириш 32,3 миллион тоннага, шу жумладан маккажўхори дони етиштириш 9,1 миллион тоннага, ем-хашак — 80 миллион тонна озуқа бирлигига, суғориладиган ерларда сабзавот етиштириш 22,5 миллион тоннага етказилишини;

1986—1990 йилларда давлат капитал маблағлари ҳисобига 3 миллион 340 минг гектар суғориладиган ер ва 3 миллион 600 минг гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилишини, 5 миллион 550 минг гектар майдондаги мавжуд суғориш системаларининг техникавий ҳолатини яхшилашга доир ишлар ўтказилишини, шунингдек захини қочириш талаб этилмайдиган 8 миллион 300 минг гектар майдонда маданий-техникавий ишлар ўтказилишини, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган 15,85 минг километр узунликдаги магистрал водопроводлар қурилиши ва реконструкция қилинишини;

2000-йилга бориб суғориладиган ерлар майдони 30—32 миллион гектаргача ва захи қочирилган ерлар 19—21 миллион гектаргача кенгайтирилишини ҳамда шундай ерларда дон етиштириш 55—60 миллион тоннагача, шу жумладан маккажўхори дони етиштириш 18—20 миллион тоннагача, ем-хашак 115—125 миллион тонна озуқа бирлигига етказилишини;

1986—2000 йилларда халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб сув ресурслари қайта тақсимланишини;

сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишни, ер ости ва оқар сувлар тугаб қолиши ҳамда булғанишидан муҳофаза этилишини, мелиорация тадбирлари ўтказилишидан ҳайвонот дунёсига ва айниқса балиқ запасларига зиён етказилишининг олдини олишни, муҳим экологик аҳамиятга эга бўлган ботқоқли ва бошқа территориялар сақлаб қолинишини таъминлайдиган тадбирлар системасини амалга ошириш зарур, деб топилди.

Ерларни мелиорациялаш ва уларни қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштиришга 1986—1990 йиллар учун қишлоқ хўжалигини бутун ишлар комплекси бўйича ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағлар лимити доирасида 50,4 миллиард сўмлик ҳажмда капитал маблағ лимити белгиланган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қарорида мелиорация қилинган ерлардан ғоят самарали фойдаланилишини таъминлайдиган тадбирларга алоҳида эътибор жалб қилинади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, маҳаллий партия ва совет органлари, агросаноат бирлашмалари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари, колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари:

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги системаларидан фойдаланишни такомиллаштириш, деҳқончиликнинг саноат технологиялари ва интенсив системаларини жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини программалаштирилган тарзда етиштириш, илмий асосланган алмашлаб экишни ўзлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини қўлланиш, мелиорация қилинган ерларга эга бўлган хўжаликларни минерал ўғитлар ва зарур қишлоқ хўжалик техникаси билан тўла-тўкис таъминлаш асосида яқин йиллар ичида амалдаги ва янгидан фойдаланишга топширилаётган суғориладиган ҳамда захи қочирилган экин майдонларидан биринчи навбатда юксак самара олинишини таъминлашлари;

суғоришга яхши мослашадиган ва саноат технологияларининг талабларига мос келадиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги нав ва гибридларини яратиш ишларини кучайтиришлари, эҳтимол тутилган ҳосилдорлиги гектар бошига 120—130 центнерга борадиган маккажўхорининг, 60—80 центнерга борадиган шоли, 35—40 центнерга борадиган тариқнинг касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлари ҳамда гибридларини жорий этишлари керак. Эртапишар ва ўртапишар маккажўхори гибридларини, кўп йиллик ўтларнинг, сабзавот, полиз, мева ва резавор экинлар ҳамда узумнинг серҳосил навларини яратишга алоҳида эътибор беришлари, мамлакатнинг турли зоналари учун йилига озуқабоп экинлардан икки-уч марта ҳосил етиштириш ҳамда гектар бошига 10—15 тоннадан озуқа бирлиги олиш имконини берадиган технологияларни ишлаб чиқиб, жорий этишлари;

мавжуд суғориладиган ерларни обдон текислаш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш системаларини қайта қуриш ва уларнинг сув таъминотини ошириш соҳасидаги ишларни асосан 1990 йилгача тугаллашлари;

маданий-техникавий тадбирлар ўтказиш, далаларнинг майда-майда бўлакларга бўлиб юборилишига барҳам бериш, нордон ерларни оҳаклаш, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, Узоқ Шарқда, Полесьеда, Белоруссия ССРда, Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССРда ем-хашак ҳамда дон етиштиришни кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигига яроқли ерларга экин экиш ишларини кенгайтиришлари шарт.

1990 йилда 6 миллион 490 минг гектар майдондаги суғориладиган ерларда ҳосили программалаштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш тўғрисида иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг таклифи қабул қилинди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишган ҳолда 1985 йилда колхоз ва совхозларни ҳосили программалаштирилган қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун зарур бўлган тракторлар, юк автомобиллари, тупроққа ишлов берадиган ҳамда ўрим-йиғим машиналари билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди. Тасдиқланган нормативларга мувофиқ колхоз ва совхозларга қишлоқ хўжалик техникаси билан транспорт воситалари ажратиб берилиши таъминлансин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги колхозлар, совхозлар ҳамда давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари учун суғориладиган ҳар гектар ерга моддаси таъсир қиладиган камида 330—350 килограмм ҳисобида минерал ўғитлар ажратиб берилишини таъминлашлари шарт.

1985—1990 йилларда СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда идораларга қарашли ўқув курс-комбинатларида ва ўрта ҳунар-техника билим юртларида мелиорация қилинган ерларда ишлаш учун ёмғирлатиш машиналарининг операторларини, насос станцияларининг машинистларини ҳамда оммавий касблардаги бошқа кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ташкил этилсин.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига суғориладиган ҳамда захи қочирилган қишлоқ хўжалик экин майдонларининг мелиоратив ҳолати устидан назоратни таъминлаш ва ерлар шўр босиши ҳамда ботқоқланишининг олдини олишга доир зарур тадбирларни амалга ошириш ва СССР Марказий статистика бошқармаси билан келишган ҳолда ҳар йили 1 ноябрда колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида суғориладиган ҳамда захи қочирилган ерларнинг мелиоратив ҳолати қандайлигини ҳисобга олиш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси ҳамда Кемасозлик саноати министрлиги колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида хўжалик ичидаги мелиорация тармоғи, гидротехника иншоотлари, насос станциялари, ёмғирлатиш машиналари, суғориш қурилмалари ремонт қилинишини ҳамда уларга техникавий хизмат кўрсатилишини, суғориладиган ва захи қочирилган ерларда экин экиш учун текислаш ишлари ҳамда мелиорация системаларини текшириб чиқиш асосида ҳар йили белгиланадиган ҳажмларда бошқа агромелиорация тадбирлари ўтказилишини таъминлашлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари 1986—1990 йилларда хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги мелиорация системаларини ремонт қилиш ишлари ҳажмларини иқтисодий ва социал ривожланиш йиллик планлари кўрсаткичларига киритишлари шарт.

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига 1985 йилда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари иштирокида мелиорация системаларини, гидротехника иншоотларини ҳамда қишлоқ хўжалиги сув таъминоти объектларини ремонт қилиш ва уларни ишлатиш учун материаллар, кабель буюмлар ва эҳтиёт қисмлар сарфининг нормаларини ишлаб чиқишни, СССР Госплани билан СССР Госснабига эса шу нормаларни тасдиқлашни ҳамда планларнинг лойиҳаларида иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ихтиёрига юқорида кўрсатиб ўтилган моддий-техника ресурслар тасдиқланган нормаларга мувофиқ ажратиб берилишини кўзда тутиш таклиф этилди.

Қарорда ерларни мелиорациялашни янада ривожлантиришнинг 2000-йилгача бўлган асосий йўналишлари ва узоқ муддатли программани иттифоқдош республикалар бўйича амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, маҳаллий партия ва совет органларига, агросаноат бирлашмаларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларига:

Мелиорация қилинган ерлардан фойдаланишнинг асосий йўналиши сифатида ем-хашак етиштиришни ривожлантириш, шу ерларда дон, асосан маккажўхори дони, техника экинлари, сабзавот, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш, маккажўхори, беда, қанд лавлаги ва соя уруғчилигининг гарантияланган базасини вужудга келтириш учун суғориладиган ва захи қочирилган ерлар янада кенгайтирилишини таъминлаш;

**(Давоми иккинчи бетда).**

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг иккинчи сессияси 1984 йил 27 ноябрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1984 йил, 24 октябрь.

# «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Фарғона | 1,16 | 92,35 | 0,12 | 16,22 |
| Тошкент | 1,22 | 90,12 | 0,84 | 75,94 |
| Наманган | 1,23 | 87,46 | 0,78 | 50,92 |
| Андижон | 0,97 | 83,66 | 0,36 | 34,91 |
| Сурхондарё | 1,01 | 78,80 | 0,22 | 56,92 |
| Хоразм | 1,18 | 78,45 | 0,27 | 26,07 |
| Сирдарё | 1,60 | 75,76 | 1,14 | 70,16 |
| ҚҚАССР | 1,40 | 64,94 | 0,97 | 40,24 |
| Самарқанд | 1,28 | 64,35 | 0,50 | 20,37 |
| Жиззах | 1,07 | 58,16 | 0,46 | 47,32 |
| Бухоро | 0,59 | 57,77 | — | 6,12 |
| Навоий | 0,98 | 54,51 | 0,37 | 14,45 |
| Қашқадарё | 0,81 | 42,38 | 0,47 | 13,20 |
| Республика бўйича: | 1,10 | 72,12 | 0,51 | 37,41 |

**Шу жумладан ингичка толали пахта**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Сурхондарё | 1,50 | 96,77 | 0,51 | 102,78 |
| Наманган | 1,12 | 80,94 | — | — |
| Навоий | 1,21 | 54,85 | — | — |
| Бухоро | 1,01 | 49,08 | — | — |
| Қашқадарё | 1,64 | 48,99 | 1,30 | 23,36 |
| Республика бўйича: | 1,50 | 77,42 | 0,74 | 62,05 |

# КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

## БАЙКАЛ-АМУР ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛИ ҚУРИЛИШИ ВА УНИ ИШЛАТИШДАГИ БАРЧА ИШЧИЛАРГА, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАР ВА ХИЗМАТЧИЛАРГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ТЕМИРЙЎЛЧИ ЖАНГЧИЛАРГА, ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Байкал-Амур темир йўл магистралининг асосий темир йўл изини ётқизишни тугаллаш ҳамда унинг бошидан охиригача поездларнинг иш ҳаракатини очиш юзасидан партия XXVI съездининг қарорлари, олинган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида зўр мамнуният билан кутиб олинди. Қурилишнинг барча қатнашчиларини меҳнатдаги шу ажойиб ғалаба билан сидқидилдан табриклаймиз. Байкал-Амур темир йўл магистралининг қурилиши ҳақли равишда совет халқининг буюк зафарлари солномасига ёзилади.

Янги қудратли транспорт артерияси мамлакатимиз, айниқса Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ экономикасини ривожлантириш, бу регионларда катта-катта территориал-ишлаб чиқариш комплексларини барпо этиш, бой табиий ресурсларни халқ хўжалиги оборотига жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

БАМ трассасидаги қийин шароитларда ўн йил мобайнида жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Қоя тошлар, ўрмонзорлар, ботқоқликлар ва абадий музлик орқали 5000 километр асосий ва станция темир йўл излари ўтказилди, 4200 га яқин кўприк ва бошқа сунъий иншоотлар қурилди. Магистрал объектлари билан бир қаторда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, ўлкалар ва областларнинг оталиқ ташкилотлари кучи билан янги шаҳарлар ва обод посёлкалар қурилмоқда, кадрларнинг мамлакатнинг шарқий районларида мустаҳкам жойлашиб қолиши учун шароит яратилмоқда.

Магистрал қурилмоқда ва ишламоқда. Ундан кўмир ва ёғоч, бинокорлик материаллари, машина-механизмлар ва бошқа юклар ортилган составлар ўтиб турибди.

Минглаб йигит ва қизлар Комсомольск — Амур, Магнитка, Турксиб ва Братск қурувчиларининг шонли анъаналарини давом эттириб, ўзларининг навқирон қалблари амри билан Ленин комсомолининг бош қурилишига келдилар. Улар бу ерда касб-кор маҳоратини ўрганиш билан бирга, ажойиб ҳаёт сабоғини олмоқдалар.

Қисқа вақт ичида қурилишда кўпмиллатли жипслашган коллектив вужудга келди, бу коллектив энг мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлиб қолди. Магистрални қураётган барча кишилар шу умумхалқ ишида қатнашганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

БАМни бутун мамлакат қурмоқда. Кўпгина республикалар, ўлкалар ва областлар, минглаб корхоналар унинг учун машина ва механизмлар, пўлат излар ва шпаллар, қурилиш конструкциялари юбориб туришибди, бошқа муҳим буюртмаларни бажаришмоқда. Уни барпо этишга илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Магистралда уй-жой, социал-маиший объектлар қуриш соҳасида оталиқ ташкилотлари катта иш қилмоқда.

Байкал-Амур темир йўл магистрали қурувчиларининг юксак ютуқлари Хабаровск ўлкаси, Бурятия ва Якутия АССР, Амур, Иркутск ва Чита областлари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қурилишнинг хўжалик раҳбарлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишнинг натижасидир.

Сизлар Байкал-Амур темир йўл магистрали қурилишини тугаллашда, магистрал зонасидаги фойдали қазилмаларнинг жуда бой запасларидан тезроқ фойдаланиш учун янги саноат объектлари қурилишида бундан буён ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиласизлар, севикли Ватанимиз бахт-саодати йўлида янги зафарларга эришасизлар, деб ишонч билдирамиз.

Азиз ўртоқлар, сизларга сиҳат-саломатлик, социалистик мажбуриятларни, 1984 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришда муваффақиятлар тилаймиз.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**

## ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг «КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзланган нутқ. 1984 йил 23 октябрь» номли китобчасини босмадан чиқарди. Китобча ўзбек тилида кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

# МЕЪМОРЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

## ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ЮБИЛЕЙ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзига эллик йил тўлди.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг 27 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган юбилей пленуми ана шу шонли санага бағишланди. Пленумни СССР халқ архитектори А. Б. Бобохонов очди.

Йиғилиш аҳли Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзига табрикномасини самимий кутиб олди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўқиб эшиттирди ва нутқ сўзлади. У республика архитекторлар союзига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғини топширди. Ижодий союз ўзбек совет архитектурасини ривожлантиришдаги хизматлари, замонавий граждaнлик, саноат, қишлоқ архитектура комплексларини, бинолар, иншоотларни барпо этишга катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда ташкил этилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Бугунги кунда Архитекторлар союзи етти юздан кўпроқ меъморни бирлаштириб турибди. Уларнинг катта қисми республика институтларини битириб чиққан кишилардир. Дастлаб бу союз атиги йигирма етти кишидан ташкил топган эди. Республика ҳаритасида 120 та шаҳар мавжуд. Шулардан 100 таси совет даврида бунёд этилиб, мамлакатимиз қардош халқларининг улуғ дўстлиги туфайли қад кўтарган. Юзлаб қишлоқлар мутлақо янги қиёфа касб этиб, қўриқ ерларда ҳам янги қишлоқлар барпо этилди. Қурилиш соҳасида кўп ишлар бажарилди, аммо ҳали бундан ҳам кўпроқ ишларни амалга ошириш керак — партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари архитекторлардан мана шуни талаб этмоқда.

Нотиқлар — Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретари Г. В. Ильинский, Озарбайжон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси М. А. Усейнов, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов, Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи Қорақалпоғистон ташкилотининг раиси К. Молутов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Г. А. Пугаченкова архитекторларнинг халқ олдидаги масъулияти тўғрисида, шаҳар қурилиши ва архитектура ечимлари сифатини ошириш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Республикада экономикадаги, лойиҳалаш иши ва қурилишдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари архитекторлар билан қурувчиларнинг зиммасига юклаган масъулият қайд этиб ўтилди.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хос бадиий ифодали қиёфасини яратиш — архитекторларнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Чунки, устахоналарда — ватман ва калька қоғозларида бунёдга келаётган янги иншоотлар учинчи минг йилликда диёримизга кўрк бериб туриши лозим.

Кўпгина нутқларда айни бир хил фикр, яъни ижодий союз меъморларни, айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий ва профессионал жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида, ҳар бир коллективда чинакам ижодий муҳит ва юксак талабчанликни вужудга келтириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиши зарур деган фикр изҳор этилди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон меъморлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Юбилей пленуми қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога ғоят баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ғ. Х. Қодиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин иштирок этдилар.

*Ягона сиёсий кун*

# ЎЗБЕКИСТОН—ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ОИЛАСИДА

Ўзбекистон ССР ўзи ташкил топган кундан буён ўтган олтмиш йил мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида, ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилиши туфайли тараққиёт йўлидан шахдам одим ташлади. 27 октябрь куни республиканинг шаҳар ва қишлоқларида Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон — СССР халқларининг қардошлик оиласида» мавзуидаги ягона сиёсий куннинг қатнашчилари шу фикрни таъкидладилар.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар, ўқув юртларининг меҳнатчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг аъзолари, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш учун кураш қатнашчилари лекция ва докладлар қилишди, йиғилган кишиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтаришди. Улар коллективларни шонли юбилей билан сидқидилдан табрикладилар. Юбилей йилининг «оқ олтин» ҳосилини тезроқ териб олиш йўлидаги умумхалқ кураши давом этаётган дала шийпонларида кўпгина учрашувлар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан нотиқлар республика тарихидаги шонли санани шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи туфайли юзага келган юксак меҳнат жўшқинлиги вазиятида кутиб олаётганликларини таъкидладилар.

Нотиқлар қардош халқлар оиласида республика босиб ўтган тарихий йўл ҳақида гапириб, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган социал-иқтисодий программани рўёбга чиқаришга катта эътибор бердилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларида уқтириб ўтилган ишдаги камчиликларнинг тезроқ тугатилиши, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларидаги уюшқоқликнинг оширилиши беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради, деб уқтирилди.

Меҳнат коллективларининг вакиллари коммунизм ва қардошларча совет интернационализми ғояларига астойдил садоқатли Ўзбекистон ишчилар синфи, деҳқонлари ва зиёлилари олтмиш йил мобайнида республика эришган муваффақиятларни кўпайтирадилар, Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини янги зафарлар билан кутиб оладилар, деб ваъда бердилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

